

---

Янги йил байрами муносабати билан эҳтиёжманд оилалар ҳолидан хабар олинди

Анъанага кўра, Янги йил байрами арафасида ҳам Ўзбекистон туманида эзгу ташаббус ва хайрли ишлар кўлами янада кенг қулоч ёзди.

Байрам муносабати билан туман ҳокимлиги ҳамда "Инсон" ижтимоий хизматлар маркази ташаббуслигида навбатдаги хайрли тадбир амалга оширилди.

Инсон қадрини улуғлашга қаратилган амаллар салмоғини янада ошириш ва байрамни юқори кўтаринкилик билан ўтказиш мақсадида "Ижтимоий ҳимоя ягона реестри"даги кам таъминланган, боқувчисини йўқотган ва ногиронлиги бўлган 200 нафарга яқин оилалар ҳолидан хабар олинди, байрам совғалари улашилди.

Сектор раҳбарлари, ташкилот ва муассасалар мутасаддилари ҳамда маҳалла раислари иштирокидаги тадбирлар давомида ана шу тоифадаги юртдошларимизга эзгу тилаклар билдирилиб, кўнгиллари кўтарилди.

Байрам арафасида бундай эзгу амал ва хайрли йўқловлар туманнинг барча ҳудудларда давом этмоқда.

2024-12-27 11:08:57